

БУЙРАК ТОШ КАСАЛЛИГИДА ФОРНИКАЛ АППАРАТГА ЯҚИН ЖОЙЛАШГАН КАНАЛЧАЛАР ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР



Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Давранов Ойбек Отабек ўғли
Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КАНАЛЬЦЕВ, РАСПОЛОЖЕННЫХ БЛИЗКО К ФОРНИКАЛЬНОМУ АППАРАТУ ПРИ ПОЧЕЧНО-КАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ

Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Давранов Ойбек Отабек ўгли
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

PATHOMORPHOLOGICAL CHANGES IN THE CANAL STRUCTURES LOCATED CLOSE TO THE FORNICAL APPARATUS IN RENAL STONE DISEASE

Jumanov Ziyadulla Eshmatovich, Davranov Oybek Otabek ugli
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: ziyadulla-jumanov@mail.ru

Резюме. 27 нафар беморлардан буйрак тош касаллиги туфайли олиб ташланган буйракдан олинган тўқима бўлаклари патоморфологик текширувдан ўтказилган. Аниқланганки, Шундай қилиб, буйрак тош касаллигида буйрак каналчалари эпителий ҳужайраларида дистрофик, некробиотик ва некротик ўзгаришлар ривожланиши яъни ўчоқли некронефроз аниқланади. Форникал аппарат тузилмаларида ишииниш ва толаланиш кузатилади. Бундан ташқари буйракнинг юқорги косаларига ботиб кирган каналчаларда папиллонекроз ривожланганлиги қайд этилади. Каналчалар аро бўшлиқ ва интерстициал бўшлиқда ишиинишнинг ривожланиши касалликни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқарилишида алоҳида эътиборга олинishi лозимлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Буйрак тош касаллиги, форникал аппарат, папиллонекроз, ишии.


Abstract. A pathomorphological examination of tissue fragments from the kidneys removed from 27 patients due to kidney stone disease was conducted. It has been established that, in kidney stone disease, dystrophic, necrobiotic, and necrotic changes in the epithelial cells of the renal tubules, i.e., acute necronephrosis, are detected. Swelling and fibrillation are observed in the structures of the fornical apparatus. It is also noted that papillonecrosis has developed in the tubules that have sunk into the upper calyces of the kidney. It has been emphasized that special attention should be given to the development of swelling in the intercalary and interstitial spaces when developing methods to eliminate the disease.

Keywords: kidney stone disease, fornical apparatus, papillonecrosis, swelling.


Буйрак тош касаллиги энг кенг тарқалган ва тез-тез учрайдиган касалликлардан бири бўлиб, дунёда кўпинча меҳнатга лаёқатли одамларда ривожланади. Турли хил олимларнинг фикрига кўра, дунё мамлакатлари, ушубу касалликдан азоб чекаётган беморлар сони доимо шзгарувчан характерга эгадир. Масалан, рус олимлари берган маълумотларга кўра, бундай беморларнинг сони дунё аҳолисининг 3,5-9,6% ни ташкил қилади. Урологик бўлимларга шошилишчи равишда қабул қилинганларнинг тахминан 70% [1]. Швед олимлари беморларнинг сони 5 дан 10% гача (жойнинг географиясига караб) ўзгариб туришини кўрсатиб ўтишган. Европада ҳар йили бир миллионга кишига 2000 кишида учраши қайд этилади ((яъни умумий аҳолининг тахминан 0,1-0,4%) [5]

Тадқиқотнинг мақсади: буйрак тош касаллигида форникал аппаратга яқин жойлашган каналчалар тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларини аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Самарақанд давлат тиббиёт университети кўп тармокли клиникаси урология бўлимида 27 нафар беморлардан буйрак тош касаллиги туфайли олиб ташланган буйракдан олинган тўқима бўлаклари патологик анатомия бўлимида ўрганилди. Буйрак тош касаллигида касаллигида буйрак жом тузилмаларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини нефролтиаз касаллигига боғлиқлигини баҳолашда анамнестик, макроскопик, микроскопик, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларида ўтказилди. Гистологик қирқмалар гематоксиллин-эозин бўялди.




Расм 1. Буйрак каналчалари эпителийси дистрофик ва некротик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 2. Каналчалар ботиб кирган қисмининг некрози (папиллонекроз). Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 3. Форникал аппарат мушакларида мушакларнинг толаланиши ва шишиниши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 4. Интерстициал бўшлиқда шишиниш. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Натижалар ва муҳокамалар. Нефролитиаз касаллиги ташхиси билан нефроэктомия қилинган 36 нафар беморнинг буйрагининг пирамида қисми, косачаларга яқин жойлашган каналчалар соҳасидан олинган тўқима бўлақчалари микроскопик текширувдан ўтказилди.

Олиб борилган патоморфологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, буйрак тош касаллиги ривожланган беморлар буйраги юқорги косачаларга яқин жойлашган буйракнинг дистал каналчалари микроскоп остида текширилганда уларнинг ўртача ўлчами $20-45 \pm 3,2$ мкмни ташкил этади. Буйрак каналчаларида жойлашган кубсимон эпителийнинг гидропик дистрофияси, ядросининг шишиниши қайд этилади (1-расм).

Форникал аппаратга яқинлашган сари уларнинг ядросида кариопикноз, кариорексис ва кариолизис ҳолати қайд этилади. Аксарият эпителий хужайраларида кариолизис-ядронинг бутунлай эриб кетганлиги аниқланади. Каналчаларнинг юқорги косачаларга ботиб кирган қисмида некроз (папиллонекроз) ўчоқлари аниқланади (2-расм).

Юқорги косаларнинг гумбази ҳисобланган форникал аппаратнинг бириктирувчи тўқима толаларининг шишиниши ва толаланиши аниқланади. Унинг мушак тўқимасида шишиниш ва толаланиш ҳолати қайд этилади. Форникал аппаратда жойлашган қон томирларда нотекис тўлақонлилик, интима каватининг шишини, эндотелиоцитларнинг гидропик дистрофияси, ядросининг пикнотик ҳолати аниқланади. Форникал аппаратнинг мушакларида толаланиш ва шишиниш кузатилади (3-расм).

Каналчалараро бўшлиқда шишиниш белгилари аниқланади. Интерстициал бўшлиқда шишиниш ва лимфоцитар инфильтрация кузатилади (4-расм).

Буйрак артериялари деворининг аниқ калинлашиши, проксимал ва каналчалар диаметрининг камайиши, фокал лимфогистиоцитар инфильтрациянинг пайдо бўлиши, шунингдек интерстициал зонада юмшоқ тонали бириктирувчи тўқималарнинг кўпайиши кузатилади [2,3,4].

Хулоса: Шундай қилиб, буйрак тош касаллигида буйрак каналчалари эпителий хужайраларида дистрофик, некробиотик ва некротик ўзгаришлар ривожланиши яъни ўчоқли некронефроз аниқланади. Форникал аппарат тузилмаларида шишиниш ва толаланиш кузатилади. Бундан ташқари буйракнинг юқорги косаларига ботиб кирган каналчаларда папиллонекроз ривожланганлиги қайд этилади. Каналчалар аро бўшлиқ ва интерстициал бўшлиқда шишинишнинг ривожланиши касалликни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқарилишида алоҳида эътиборга олиниши лозим.

Адабиётлар:

1. Борисов, В. В. Мочекаменная болезнь. Терапия больных камнями почек и мочеточников : учеб. пособие / В. В. Борисов, Н. К. Дзеранов. – Москва, 2011. – 96 с.
2. Маслякова Г. Н., Напшева А.М.. "Морфология хронической болезни почек, обусловленной мочекаменной болезнью" Бюллетень медицинских интернет-конференций, vol. 3, no. 4, 2013, pp. 852-855.

3. Мусаев У. Ю., Ризаев Ж. А., Шомурадов К. Э. Новые взгляды на проблему стигм дизэмбриогенеза зубочелюстной и лицевой системы с позиции их формирования в инвалидизации населения // *Stomatologiya*. – 2017. – №. 3. – С. 9-12.
4. Ризаев Ж. А., Гадаев А. Г., Абдувакилов Ж. У. Некоторые аспекты патогенеза патологии пародонта при хронической болезни почек // *Ozbekiston tibbiyot jurnali*. – 2017. – С. 70.
5. Ризаев Ж. А., Хусанбаева Ф. А. Проверка эффективности предложенной схемы лечения стоматологических заболеваний у пациентов с хронической болезнью почек // *Journal of reproductive health and uro-nephrology research*. – С. 54.
6. Ризаев Ж. А., Гадаев А. Г., Абдувакилов Ж. У. Состояние стоматологического здоровья у больных с хроническим болезнями почек // *Теоретические и практические проблемы образовательной системы при подготовке высококвалифицированных стоматологов*. Ташкент. – 2017. – С. 779-780.
7. Современные принципы диагностики и лечения хронической болезни почек: Методическое руководство для врачей / Под ред. Е.М.Шилова. - Саратов., 2011.-60 с.
8. Хусанбаева Ф. А., Ризаев Ж. А. Эффективность лечения стоматологических заболеваний у больных хроническими болезнями почек // *Санкт-Петербургский медико-социальный институт*. – 2022. – Т. 1. – С. 21.
9. Akmalovna K. F. Rizayev Jasur Alimdjanovich // *Journal of reproductive health and uro-nephrology research*. – с. 58.
10. Doble B. W., Woodgett J. R. Role of glycogen synthase kinase-3 in cell fate and epithelial-mesenchymal transitions // *Cells Tissues Organs*. - 2007. - V. 185. - P. 73-84.
11. Fattaeva D. R., Rizaev J. A., Rakhimova D. A. Efficiency of Different Modes of Therapy for Higher Sinus

after COVID-19 in Chronic Obstructive Pulmonary Disease // *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 6378-6383.

12. Gaybullaev E. A., Rizaev J. A. Improving Medical Diagnostic Tactics and Surgical Treatment of Chronic Generalized Periodontitis. – 2020.
13. Tiselius, H. G. Stone incidence and prevention / H. G. Tiselius // *Braz. J. Urol.* – 2000 Sep. – Vol. 26, N 5. – P. 452–462
14. Iguchi, T. Bone and Calcium Research Update 2015. Clinical update of urolithiasis - ESWL (extracorporeal shock wave lithotripsy) / T. Iguchi, T. Nakatani // *Clin. Calcium*. – 2015 Jan. – Vol. 25, N 1. – P. 97–104.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КАНАЛЬЦЕВ, РАСПОЛОЖЕННЫХ БЛИЗКО К ФОРНИКАЛЬНОМУ АППАРАТУ ПРИ ПОЧЕЧНО- КАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ

Жуманов З.Э., Давранов О.О.

Резюме. Было проведено патоморфологическое исследование фрагментов ткани почки, удалённых у 27 пациентов с почечнокаменной болезнью. Установлено, что при данном заболевании наблюдается развитие дистрофических, некробиотических и некротических изменений в эпителиальных клетках почечных протоков, что свидетельствует о развитии острого некронефроза. В структурах почечного аппарата отмечаются отёк и фибрилляция. Также выявлено, что в протоках, погружённых в верхние чаши почки, развился папиллонеброз. Сделан вывод о том, что развитию отёка в межклеточном и интерстициальном пространстве следует уделять особое внимание при разработке методов лечения данного заболевания.

Ключевые слова: почечнокаменная болезнь, форникальный аппарат, папиллонеброз, отек.